

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР  
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ  
АВТОМАТЛАШТИРИШ ВА  
БОШҚАРИШ**

## **ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРИШ НАЗАРИЯСИ**

**Тошкент – 2020**

Мазкур ўқув –услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7-декабрдаги №\_648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчи:** И.Сиддиқов ТошДТУ, “Ахборотларга ишлов бериш ва бошқариш тизимлари” кафедра профессори т.ф.д.

**Тақризчи:** ТДТУ, т.ф.д. профессори Севинов Ж.У.

Ўқув –услугий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2020 йил даги 18-декабрдаги 4-сонли йиғилишида кўриб чиқилиб, фойдаланишга тавсия этилди.

## МУНДАРИЖА

<b><u>I. ИШЧИ ДАСТУР</u></b> .....	<b>4</b>
<b><u>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ</u></b> .....	<b>12</b>
<b><u>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР</u></b> .....	<b>17</b>
<b><u>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ</u></b> .....	<b>75</b>
<b><u>V. КЕЙСЛАР БАНКИ</u></b> .....	<b>115</b>
<b><u>VI. ГЛОССАРИЙ</u></b> .....	<b>120</b>
<b><u>VII. ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР</u></b> .....	<b>139</b>

## I ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Ушбу ўқув-услубий-мажмуа ахборот-коммуникация технологиялари даврида замонавий бошқариш назарияси фани долзарблиги, ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилиш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллариини ўрганиш бўйича муаммолар баён этилган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

### **Модулнинг вазифалари:**

- “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### ***Тингловчи:***

- автоматик бошқариш тизимларнинг математик моделини;
- автоматик бошқариш тизимларни узатиш вазифаларини;
- автоматик бошқариш тизимларнинг динамик характеристикаларини;
- автоматик бошқарув тизимларнинг бошқарув кўрсаткичларини;
- тасодифий таъсирларда чизиқли стационар автоматик бошқариш тизимларини;
- ночизиқли тизимларнинг таърифи ва хусусиятларини;
- идентификациялашда модел структураси;

•интеллектуал тизимларида бошқариш жарёнларини математик ифодалаш;

• объектларни бошқаришда қўлланиладиган моделлар ва математик моделларни қуриш усуллари;

• ахборот тизимлари ва тармоқларининг классификацияси, характеристикалари;

• ахборот тизимлари ва тармоқларининг техник ва дастурий воситалари бўйича **билимларга эга бўлиши керек.**

### ***Тингловчи:***

•автоматик бошқариш тизимларнинг узлуксиз сифат таҳлил қилиш;

•чизиқли бўлмаган тизимларнинг барқарорлигини ўрганиш;

•назорат объектнинг статик моделини қуриш;

•моделлаштириш ва идентификациялаш ҳақида асосий маълумотларни йиғиш ;

•ахборот бошқарув тизимларининг янги воситаларини йиғишда, ишга тушириш ва фойдаланишда, шунингдек, синаш, фойдаланиш учун топшириш ва техникавий хизмат кўрсатиш;

• ишлаб чиқариш жараёнларини халқаро режалаштириш стандартлари ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий-меъёрий базасини;

•ночизиқли автоматик бошқариш тизимларини назорат қилиш;

•бошқариш тизимни синтезлаш;

•автоматик бошқарув тизимларнинг бошқарув кўрсаткичларидан фойдаланиш;

• объектлар структура ва параметларини идентификациялаш;

•технологик объектларни бошқаришнинг асосий принциплари ва схемаларини; ахборот бошқарув тизимларининг асосий турлари, уларнинг математик ифодасини; бошқариш алгоритмларини синтезлаш ва реал объектларга тадбиқ қилиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши керак.**

### ***Тингловчи:***

- динамик жараёнларни математик ифодалаш;
- ҳолат параметрлари фазоси унумидан фойдаланиш;
- бошқарув объектларнинг динамик моделларини кўриш ;
- рақамли бошқарув алгоритмлари;
- нейро-ноаник технологияларга асосланган технологик объектларни бошқариш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўллари;
- ахборотни ҳимоялаш концепцияси, ахборот ҳимоясининг стратегияси ва архитектураси **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Замонавий бошқариш назарияси” модули ўқув режанинг махсус фанлар блокадаги “Бошқариш жараёнларини интеллектуаллаштириш” фани билан узвий боғлиқдир. Шу билан бир қаторда модулни ўзлаштиришда ўқув режанинг бошқа блоклари фанлари билан муайян боғлиқлик мавжуддир.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ўзбекистон Республикасининг ривожланишида Замонавий бошқариш назарияси фанининг ўрни юқори даражада бўлиб, ишлаб чиқаришни замонавий қурилмалар ҳисобига ривожлантириш, автоматик бошқариш тизимларни узатиш вазифалари, автоматик бошқариш тизимларнинг узлуксиз сифат таҳлили ўта долзарб масала ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал этишда биринчи навбатдаги вазифа замонавий талабларга жавоб берувчи мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади. Шу сабабли бундай мутахассисларни тайёрлаш учун ушбу соҳа бўйича таълим берувчи олий таълим тизими ўқитувчиларининг малакасини оширишда “Замонавий бошқариш назарияси” фани алоҳида ўринни эгаллайди.

### Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Қўчма машғулот
1.	Автоматик бошқариш тизимларнинг математик модели	4	2	2	
2.	Автоматик бошқариш тизимларни узатиш вазифалари. Автоматик бошқариш тизимларнинг динамик характеристикалари	4	2	2	
3.	Автоматик бошқариш тизимларнинг узлуксиз сифат таҳлили. Автоматик бошқарув тизимларнинг бошқарув кўрсаткичлари	4	2	2	
4.	Тасодифий таъсирларда чизиқли ва ноқизиқли стационар автоматик бошқариш тизимлари.	6	2	4	
	<b>Жами:</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>10</b>	



## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Автоматик бошқариш тизимларнинг математик модели.**

Автоматик бошқариш тизимлари хақида умумий маълумотлар. Автоматик бошқариш тизимларнинг математик модели.

### **2-мавзу: Автоматик бошқариш тизимларни узатиш вазифалари. Автоматик бошқариш тизимларнинг динамик характеристикалари.**

Автоматик бошқариш тизимларни вазифалари. Автоматик бошқариш тизимларини узатиш бошқичлари. Автоматик бошқариш тизимларнинг динамик характеристикалари.

### **3-мавзу: Автоматик бошқариш тизимларнинг узлуксиз сифат таҳлили. Автоматик бошқарув тизимларнинг бошқарув кўрсаткичлари.**

Автоматик бошқариш тизимларнинг узлуксиз сифатини ўрганиш таҳлил қилиш. Автоматик бошқарув тизимларнинг бошқарув кўрсаткичлари. Ўзбекистон Республикасида Автоматик бошқариш тизимларининг ривожланиш муаммолари. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича бажарилаётган ва режалаштирилиётган асосий лойиҳалар.

### **4-мавзу: Тасодифий таъсирларда чизиқли ва ночизиқли стационар автоматик бошқариш тизимлари.**

Тасодифий таъсир. Чизиқли стационар автоматик бошқариш. Тасодифий таъсирларда чизиқли стационар автоматик бошқаришнинг ютуқлари. Ночизиқли автоматик бошқариш тизимларининг муаммолари ва афзалликлари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1- амалий машғулот: Автоматик бошқариш тизимлари.**

Автоматик бошқариш тизимларни узатиш вазифалари. Автоматик бошқариш тизимларнинг динамик характеристикаларини ўрганиш.

### **2- амалий машғулот: Автоматик бошқариш тизимларнинг узлуксиз сифат таҳлили.**

Автоматик бошқариш тизимларнинг узлуксиз сифат таҳлил қилиш. Автоматик бошқарув тизимларнинг бошқарув кўрсаткичлари бўйича масалалар ечиш.

### **3- амалий машғулот: Тасодифий таъсирларда чизиқли стационар автоматик бошқариш тизимлари.**

Тасодифий таъсирлар. Тасодифий таъсирларда чизиқли стационар автоматик бошқариш тизимлари бўйича масалалар ечиш.

### **4- амалий машғулот: Чизиқли бўлмаган тизимлар**

Чизиқли бўлмаган тизимларнинг таърифи ва хусусиятлари. Чизиқли бўлмаган тизимларнинг барқарорлигини ўрганиш. Бошқариш тизимни синтезлаш.

### **Таълимни ташкил этиш шакллари**

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутати.

Модулни ўқитиш жараёнида қуйидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- мустақил таълим.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гуруҳли (кичик гуруҳларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

**Жамоавий ишлаш** – Бунда ўқитувчи гуруҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

**Гуруҳларда ишлаш** – бу ўқув топшириғини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гуруҳларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гуруҳни кичик гуруҳларга, жуфтликларга ва гуруҳларора шаклга бўлиш мумкин. *Бир турдаги гуруҳли иш* ўқув гуруҳлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутди. *Табақалашган гуруҳли иш* гуруҳларда турли топшириқларни бажаришни назарда тутди.

**Якка тартибдаги шаклда** - ҳар бир таълим оловчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Биламан /Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим” методи - янги ўтиладиган мавзу бўйича талабаларнинг бирламчи билимларини аниқлаш ёки ўтилган мавзунини қай даражада ўзлаштирганлигини аниқлаш учун ишлатилади. Методни амалга ошириш учун синф доскасига янги ўтиладиган мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар ёзилади, талабалар берилган вазифани ўзларига белгилайди. Юқорида берилган тушунча ибораларни билиш мақсадида қуйидаги чизма чизилади:

Биламан	Билимайман	Билишни хоҳлайман

Ушбу методда талабалар ўқитувчи томонидан берилган вазифани яқка тартибда ёки жутликда жадвални тулдиради. Яъни тахминан биз нимани биламиз устунда рўйхат тузиш фикрларини тоифалар бўйича гуруҳлаш. Билишни хоҳлайман устунини учун саволлар олиш ва саволларни ўйлаб белгилар қўйиш. Биз нимани билдик устунига асосий фикрларни ёзиш.

### Б-Б-Б методининг афзалиги:

- ✓ талабаларнинг фаоллигини оширади
- ✓ янги ўтиладиган мавзу бўйича таълим олувчиларнинг билимларини аниқлашга ёрдам беради
- ✓ талабалар диққати бир жойга жамланади;

### Б-Б-Б методининг камчилиги:

- барча талабаларнинг берган фикрларини таҳлил қилиш имконияти пастлиги;
- талабалар объектив жавоб бермаслиги;

Биламан	Билимайман	Билишни ҳоҳлайман
АБТларнинг математик модели.		
	АБТларнинг узатиш функцияси.	<p>Автоматик тизимларининг динамикасини ҳисоблаш учун узатиш ва частота функциялари деган тушунча киритилиб, бу функциялар АС лар таҳлилида муҳим рол ўйнайди. Ушбу функциялар орқали частотали усуллардан фойдаланилиб, уларнинг асосида Лаплас ва Фуре ўзгартиришлари ётади. Частотали усуллар ҳам чизиқли ва айрим ҳолларда эгри чизиқли АС лар учун ҳам қўлланилади.</p>
	<b>Математик тавсифни тузиш</b>	<p>Эчилаётган масалага мувофиқ танланган физик модел асосида математик тенгламалар тизими ёзилади. Бу босқичда, агар имкон бўлса, тенгламанинг аҳамиятсиз аъзолари олиб ташланиб, тенгламалар соддалаштирилади. Бунда тенгламадан олиб ташланаётган аъзо масалани эчишда ҳақиқатан аҳамиятсиз эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак.</p>

	<p><b>Моделловчи алгоритми</b></p>	<p>ишлаб чиқиш масаласи математик тавсифнинг тенгламалар тизимини эчиш усулини топишдан иборат. Модел қандай машинада, яъни рақамли (РҚМ), аналог (АҚМ) ёки комбинациялашган (АРҚТ) машинада амалга оширилишига кўра алгоритмни ишлаб чиқиш усули танланади. Конкрет ҳисоблаш</p>
	<p><b>Модел ва ҳақиқий жараённинг мослигини аниқлаш</b></p>	<p>машинасининг турини танлаш эчилаётган тенглама тури ва ҳисоблаш ҳажмига боғлиқ. босқичида жараённи характерловчи катталиклар солиштирилади. Аниқлик этарли даражада бўлмаса, математик моделга тузатиш киритиш керак. Моделлаш босқичида жараённинг математик модели тадқиқ қилинади, олинган маълумотлар таҳлил қилинади ва натижада конкрет амалий натижалар ишлаб чиқилади</p>
<p>АБТларнинг динамик характеристикаси</p>		

**“Кейс-стади” методи**

Ўтиш функциясини куриш усуллари.		
Интеграль баҳолаш сифати		
	<i>Узатиш функцияси -</i>	бу чиқишдаги ўзгарувчини киришдаги ўзгарувчига бошланғич нол шартлардаги нисбати орқали аниқланиб, Лаплас тасвири билан ифодаланади. Бўгин ёки элементларнинг очик ёки ёпиқ контурлари учун узатиш функциялари мавжуд бўлиб, улар ўзаро фарқлидир. Умуман олганда, узатиш функцияси оператор тенгламанинг киришдаги ўзгарувчисидан турган кўпхаднинг чиқишдаги ўзгарувчисидан турган кўпхадни нисбатлари орқали аниқланади.

«Кейс-стади»– инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

## “Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс.** Тизим синтезининг асосий вазифаси ўртача квадратик хатонинг минимал қийматини келтирадиган тизим параметрларини аниқлаш



### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Двигателнинг қувватини пасайиш сабабларини муҳокама қилинг (жуфтликлардаги иш).

## НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу. Автоматик бошқариш тизимларнинг математик модели.

#### Режа:

1. АБТларнинг математик модели.
2. АБТларнинг узатиш функцияси.
3. АБТларнинг динамик характеристикаси.

#### Таянч сўз ва иборалар.

Ростлаш объекти, математик модел, моделлаш, объект, тавсифни, алгоритм, автоматик тизим, узатиш функциялари, чизикли, частота, ёпиқ, очик, тизимлар, статик, динамик, характеристика.

#### 1. АБТларнинг математик модели.

Ростлаш объекти ва АРТ элементлари хусусиятларини тавсифлашда математик моделлаш усули қўлланилади. **Математик моделлаш** – моделларни қуриш ва ўрганиш босқичларини ўз ичига олади. Бунда, ўрганилаётган объект ўрнига модел деб аталувчи моддий объект олинади. Ўрганилаётган объектга ўхшаш моделнинг жараёнлари бошқа физик ҳодисага мос, лекин бир хил тенгламалар билан тавсифланади. Математик моделлар ҳисоблаш машиналари ёки тўғри аналогли қурилмаси орқали амалга оширилади. Ҳисоблаш машиналарида ўрганилаётган ҳодиса ёки жараённинг математик тавсифини бир қатор элементар математик операсиялар бажариб тикланади. Бу операсиялар бир нечта элементларни бир вақтда эчиш ёки битта

элементни кўп марта эчиш билан бажарилади. Тўғри аналогли моделлар, ҳисоблаш машинасидан фарқли равишда алоҳида элементларга булинмайди. Улар бошланғич нисбатларни қурилмада ўтаётган ҳодиса хусусиятларига кўра тиклайди. Бунда доимо модел ва ҳақиқий жараён параметрлари ўртасидаги бир маъноли мослашуви (танланган аналогия тизимига кўра) кўрсатиш мумкин. Ўрганилаётган объектнинг кириши ва бошқарувчи параметрлари ўртасидаги нисбатан аниқловчи тенгламалар тизими *математик тавсиф* дейилади.

Объектнинг математик моделини куриш ва уни ўрганиш бир қатор ўзаро боғлиқ бўлган босқичларни бажариш демакдир.

Моделлаш вазифасини аниқлаш:

- объектни ўрганиш ва тавсифнинг шаклланиши;
- математик тавсифни тузиш;
- моделловчи алгоритмни ишлаб чиқиш;
- олинган модел ва ҳақиқий жараённинг мослигини аниқлаш;
- моделлаш (объектнинг математик моделини тадқиқ қилиш);
- олинган маълумотни таҳлил қилиш.

**Моделлаш вазифасини аниқлаш** - барча босқичлар ичида энг муҳими, чунки математик моделлашнинг аниқ ва равшан ифодаланишидан масаланинг эчилиш йўллари келиб чиқади. Моделлашнинг мақсади турлича бўлиши мумкин, лекин уларнинг негизи ускуналарни оптимал лойиҳалаш, лойиҳалашнинг ўзини автоматлаштириш ва объектни оптимал бошқаришдан иборат. Қўйилган бу мақсадга математик тавсифнинг услубини танлаш ҳам боғлиқ.

**Объектни ўрганиш ва тавсифнинг шаклланиши** босқичида масаланинг негизидаги ҳодисалар механизми буйсунадиган функционал қонунлар аниқланади. Бубосқичга кириш ва чиқиш ўзгарувчилари; ғалаёнловчи ва бошқарувчи таъсирлар белгиланади, кириш ва чиқиш ўзгарувчилари ўртасидаги боғланиш аниқланади, дастлабки тажрибалар

утказилади. Олинган маълумотлар асосида жараённинг структурали схемаси тузилади.

**Математик тавсифни тузиш.** Эчилаётган масалага мувофиқ танланган физик модел асосида математик тенгламалар тизими ёзилади. Бу босқичда, агар имкон бўлса, тенгламанинг аҳамиятсиз аъзолари олиб ташланиб, тенгламалар соддалаштирилади. Бунда тенгламадан олиб ташланаётган аъзо масалани эчишда ҳақиқатан аҳамиятсиз эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

**Моделловчи алгоритмни ишлаб чиқиш масаласи** математик тавсифнинг тенгламалар тизимини эчиш усулини топишдан иборат. Модел қандай машинада, яъни ракамли (РХМ), аналог (АХМ) ёки комбинациялашган (АРХТ) машинада амалга оширилишига кўра алгоритмни ишлаб чиқиш усули танланади. Конкрет ҳисоблаш машинасининг турини танлаш эчилаётган тенглама тури ва ҳисоблаш ҳажмига боғлиқ.

**Модел ва ҳақиқий жараённинг мослигини аниқлаш** босқичида жараённи характерловчи катталиқлар солиштирилади. Аниқлик этарли даражада булмаса, математик моделга тузатиш киритиш керак.

Моделлаш босқичида жараённинг математик модели тадқиқ қилинади, олинган маълумотлар таҳлил қилинади ва натижада конкрет амалий натижалар ишлаб чиқилади.

## **2. АБТларнинг узатиш функцияси.**

Автоматик тизимларининг динамикасини ҳисоблаш учун узатиш ва частота функциялари деган тушунча киритилиб, бу функциялар АС лар таҳлилида муҳим рол ўйнайди. Ушбу функциялар орқали частотали усуллардан фойдаланилнб, уларнинг асосида Лаплас ва Фуре ўзгартиришлари ётади. Частотали усуллар ҳам чизиқли ва айрим ҳолларда эгри чизиқли АС лар учун ҳам қўлланилади.

Энди шу ўзгартиришларни қўллаш орқали узатиш ва частота функцияларига эга бўлишни кўрайлик.

Олдинги параграфда айтиб ўтилганидек Лапласнинг тўғридан-тўғри ўзгартириш усулини ҳақиқий ўзгарувчи функциясига тадбиқ этиб, бошланғич нол шартларда оператор тенгламасига эга бўлиши мумкин:

$$A(p)x_{\text{чик}}(p)=B(p)x_{\text{кир}}(p)+c(p)z(p) \quad \text{ь (6.1)}$$

(2.29) формуладан фойдалайган ҳолда узатиш функцияси ҳақидаги ту-шунчани киритамиз. Агар чизиқли тизимлар учун суперпозитсия қонуни-ятини қўллайдиган бўлсак, (2.29) дан берилаётган ва қўзғатувчи таъсирлар учун узатиш функциясини олиш мумкин:

$$K(p) = \frac{X_{\text{чик}}(p)}{X_{\text{кир}}(p)} = \frac{B(p)}{A(p)} \quad (6.2)$$


$$K,(p) = \frac{X_{\text{чик}}(p)}{Z(p)} = \frac{C(p)}{A(p)} \quad (6.3)$$

**Узатиш функцияси** - бу чиқишдаги ўзгарувчини киришдаги ўзгарувчига бошланғич нол шартлардаги нисбати орқали аниқланиб, Лаплас тасвири билан ифодаланади. Бўғин ёки элементларнинг очик ёки ёпиқ контурлари учун узатиш функциялари мавжуд бўлиб, улар ўзаро фарқлидир. Умуман олганда, узатиш функцияси оператор тенгламанинг киришдаги ўзгарувчисига турган кўпхаднинг чиқишдаги ўзгарувчисига турган кўпхадни нисбатлари орқали аниқланади.

Бундай аниқлашлилиқ шуни кўрсатадики, автоматик тизимларнинг узатиш функцияси берилаётган ёки қўзғатиш таъсирларининг турига эмас, балки функционал элементларнинг параметрларига боғлиқ экан. Узатиш функциялари баъзан **кучайтиришнинг динамик коэффиценти** деб ҳам аталади.

АС лар таҳлилида частотали усуллар алоҳида элементларнинг (бошқарнинг, объектнинг, кучайтиргичнинг ва ҳ.к.) ҳамда бутун тизимнинг частота-таси тавсифларини кўриб чиқишга асосланган. Чизиқли тизимнинг асосий тескари боғланишини узиб туриб ва -ппимни киришига синусоида шаклида таъсир киритиладиган бўлса, у ҳолда турғунлашган режимда, тизимнинг чиқишдаги

худди ўшандай частотага эга бўлган, лекин амплитуда ва фаза жиҳатидан ўзгача бўлган гармоник функцияга эга бўламиз:



1.1-расм

Очиқ тизимларининг кириш ва чиқишидаги гармоник сигналларни таҳлил қиладиган бўлсак, частота функцияси билан тавсифланадиган унинг хусусиятларини аниқлаш мумкин:

$$K(j\omega) = \frac{B(j\omega)}{A(j\omega)} = \frac{X_{\text{чик}}(j\omega)}{X_{\text{кир}}(j\omega)} \quad (1.4)$$

$K(j\omega)$  функцияси **комплекс частота функцияси** ёки соддароқ қилиб, очиқ тизимларининг **частота функцияси** деб аталади. У автоматик тизимларини ташкил этувчи элементларнинг параметрларига ва частотасига боғлиқ. **Частота функциясини** узатиш функциясидаги  $n$  ни  $j\omega$  га алмаштириш йўли билан олиш мумкин. Бундай алмаштириш бошланғич О шартларда дифференциал тенгламаларга Фурге ўзгартиришини қўллашга ўхшагандир. Частота функцияси турғунлашган мажбурий даврий ҳаракатлар учун комплекс кучайтириш коэффициентини ифодалайди ва (1.4) формула орқали аниқланади. Махраждаги мавҳум қисмини ташлаб юбориб қуйидагига эга бўламиз:

$$K(j\omega) = \frac{B(j\omega)\bar{A}(j\omega)}{A(j\omega)\bar{A}(j\omega)} = P_0(\omega) + jB_0(\omega); \quad (1.5)$$

бу ерда  $\bar{A}(\omega)$  - махражнинг комплекс катталиги;

$P_0(w)$  ва  $Q_0(w)$  - очик тизимяр частотали функциясининг хақиқий ва мавҳум қисмлари. Комплекс катталиқни кўрсатгичли шаклда ёзадиган бўлсак, (1.5) нинг ўрнига қуйидагига эга бўламиз:

$$K(jw) = A_0(w)e^{j\varphi_0(w)}; \quad (1.6)$$


бу ерда

$$A_0(w) = |K(jw)| = \sqrt{P_0^2(w) + Q_0^2(w)} \quad (1.7)$$

$$\varphi_0(w) = \text{arctg}[Q_0(w)/P_0(w)] \quad (1.8)$$

(1.7) ва (1.8)даги  $A_0(\omega)$  ва  $\varphi_0(\omega)$  лар, мос ҳолда, комплекс катталиқнинг модули ва аргументидир. Улар  $K(jw)$  векторнинг комплекс текисликдаги катталгини ва йўналишини кўрсатади (2.3-расм). Частота функциясининг модули амплитудаларнинг кириши ва чиқишидаги қийматларини нисбатини билдиради. Шунинг учун уни берилган частотадаги амплиттуда бўйича кучайтириш коэффициентига деб ифодаланса ҳам бўлаверади.

Ҳар бир частотага аргумент ва модулни маълум бир қийматлари, яъни амплитуда ва фазаси тўғри келади. Бунда чиқишдаги ўзгарувчини амплитудаси ва частотаси частота функциялари орқали аниқланади. У элементларнинг ва тизимларининг гармоник тебранишларни киришдан чиқишгача узатиш қобилиятини белгилайди (киришдаги сигналнинг амплитудасига ва фазасига нисбатан силжиш бор ёки йўқ бўлган ҳолларда чиқишдаги амплитудани ортишини ёки камайишини кўрсатади.



2.3-расм

Ёпиқ тизимларининг частота функцияларини очик тизим частота функцияси каби кўриб чиқиш мумкин:

$$W(j\omega) = P(\omega) + Q(\omega) = A_0(\omega)e^{j\varphi(\omega)} \quad (1.9)$$

Автоматикада, частота функциялари ўтиш жараёнларини, ёки тизимларини турғун ёки нотурғун эканликларини аниқлашда кенг қўлланилади. Агар, бордию киришдаги ўзгарувчини чиқишдаги ўзгарувчига нисбати олинса, у ҳолда тескари частота функцияси ҳосил бўлади. Кўнгина ҳолларда унинг аналитик ифодаси кейинчалик ўзгартиришлар учун қулайдир. Чунки ҳар қандай реал бўғинда суратдаги кўпхад даражаси  $B(p)$  маҳраждаги кўпхад даражаси  $A(p)$  дан кичикдир. Тескари частота функцияси


$$K^{-1}(j\omega) = A(j\omega) / B(j\omega) = 1 / K(j\omega) \quad (1.10)$$

### АБТларнинг динамик характеристикаси.

**Статик характеристика** – бу чиқувчи  $Y$  катталикнинг кирувчи катталик  $X$  дан урнатилган тартибдаги қарамлилигидир .

$$y = \phi(x)$$

Статик характеристикага кўра барча элементлар: чизиқли ва ночизиқлиларга ажратилади.



3.2. расм. Статик характеристика турлари

**Динамик характеристика** – бу чиқувчи катталик  $Y$  ни кирувчи катталик  $X$  дан вақт давомийлигидаги қарамлилигидир :

$\ddot{Y} = \phi(x, m)$ , дифференциал тенглама курилишида ёзилади.

**Динамик характеристиканинг икки тури мавжуд:**

а) **вақт характеристикаси (утувчи)** – утувчи режимда узатилаётган бўғин харакатини киришидаги поганали таъсирини курсатади,

б) **частотавий характеристика** – бу бозин чиқишида **ёрнатилаётган мажбурий тебранишларни гармоник таъсирлари орқали чакирилган бўғин киришидаги харакатларни ёритади**. Агар  $X$  ва  $Y$  ни комплекс курилишида

ёзилса ва  $\begin{matrix} \rightarrow / \rightarrow \\ y \quad x \end{matrix} \rightarrow \begin{matrix} \rightarrow / \rightarrow \\ y \quad x \end{matrix}$  муносабатлари олинса комплекс узатувчи бўғин коэффициентсенти вужудга келади :  $W(j\omega) = \begin{matrix} \rightarrow / \rightarrow \\ y \quad x \end{matrix}$

бу ерда  $j\omega$  - комплекс частота.

$$j = \sqrt{-1}j = \sqrt{-1} \text{ комплекс сон}$$

Агар частотага  $\omega$  ( 0 дан  $\infty$  гача ) булган турли хил қийматлар берилса, унда комплекс текисликда куплаб нукталар пайдо бўлади, уларни бир-бирига улашда частотали характеристика **ёки годограф хосил бўлади**.

### Динамика ва статика тенгламалари

Автоматик бошқариш тизимининг ишлаш сифатини уни статик ва динамик характеристикаларини тахлил қилиб баҳоласа бўлади. Тизимни **статик характеристикалари** деб, ўрнатилган ҳолатда чиқиш координаталарини кириш таъсирларига боғлиқ характеристикаларига айтилади. Битта кириш ва битта чиқишга эга тизимларда битта характеристика бўлади, у тизимнинг ўрнатилган ҳолдаги қийматини киришдагига боғлиқлигини кўрсатади:

$$X_{\text{ўрн}} = \beta U_{\text{ўрн}},$$

бунда  $\beta$ - кучайтириш коэффициентсенти. Чизикли тизимлар учун  $\beta = \text{сонст}$  бўлса, ночизикликлар учун  $\beta = \phi(x)$ . Бир нечта киришга эга тизимлар статик характеристикалар гуруҳи билан баҳоланади.



Тизимнинг динамик характеристикалари деб, ҳар хил таъсирлар туфайли ҳосил бўладиган ўткинчи жараёнларга айтилади. Улар тизимни узатиш функцияси асосида олиниши мумкин.

Узатиш функцияси (УФ) деб, чиқиш ва кириш қийматларини операторли (Лаплас бўйича) тасвирини (нолдан чапда бўлган) бошланғич шартлари **нол бўлган** холдаги нисбатларига айтилади. Агар тизим битта киришга эга бўлса, уни узатиш функцияси

$$W(p) = \frac{y(p)}{x(p)} \quad (4.1)$$

бўлади, бу ерда  $y(n)$ ,  $x(n)$ - чапдан **бошланғич** шартлари нолга тенг **бўлганда** чиқиш ва кириш қийматлари орттирмасини операторли тасвирлари, агарда бир нечта киришга эга бўлса, уни (2.1) га ўхшаш узатиш функцияси ҳар бир кириш таъсири бўйича олиниши мумкин, бошқа киришлар бўйича кириш **таъсирларини** орттирмаси нолга тенг деб фараз қилинади.

Тўғри рационал касрнинг узатиш функцияси

$$W(n) = \frac{b_m p^m + b_{m-1} p^{m-1} + \dots + b_0}{c_n p^n + c_{n-1} p^{n-1} + \dots + c_0}$$

кўринишга эга, бунда  $c_{жс}$ ,  $b_{жс}$  тизим параметрлари орқали аниқланадиган коэффициентлар;  $n \geq m$ . Узатиш функцияси ноллари ва қутблари ҳақиқий ёки кўшма комплекс сонлар бўлиши мумкин.

Агарда кириш таъсири сифатида поғонали бирлик функциядан фойдаланилса, бунда олинандиган ўткинчи жараённи ўткинчи функция ифодалайди. Бу функция чиқиш қийматини вақтга боғлиқлигини кўрсатади ва куйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$x(m) = \mathcal{L}^{-1} \left\{ \frac{1}{p} \Phi(p) \right\} = \frac{1}{2\pi j} \int_{\sigma-j\omega}^{\sigma+j\omega} \frac{1}{p} \Phi(p) e^{pt} dp \quad (4.2)$$

Умумий холда  $x(t) = x_m(t) + x_e(t)$ , бунда  $x_m(m)$ - мажбурий ташкил этувчи, у поғонали бирлик таъсирида тизимни кучайтириш коэффициентига тенг;  $x_e(m)$ -еркин ташкил этувчи, тизимни янги ҳолатга ўтиш жараёнини баҳолайди. Барқарор тизимларда  $x_e(t)$ -вақт ўтиши билан нолга интилади.

Агарда кириш таъсири бирлик импульс функция бўлса, бунда олинадиган жараён импульсли ўткинчи функция деб аталади:

$$\Gamma(s) = \mathcal{L}\{1\} = \frac{1}{s};$$

$$g(t) = \mathcal{L}^{-1}\{\Phi(p)\} = \frac{1}{2\pi j} \int_{\sigma-j\infty}^{\sigma+j\infty} \Phi(p) e^{pt} dp \quad (4.3)$$

$$z(m) = x^b(m) = \frac{dx_e(t)}{dt}.$$

Охирги тенглама импульсли ўткинчи функцияни ҳосиласи эканлигини англатади, тескари нисбат ҳам тўғри бўлади:

$$x(t) = \int_0^t g(t) dt.$$

Кириш таъсири ихтиёрий  $x(m)$  шаклга эга бўлса, унда тизимдаги ўткинчи жараён қуйидаги тенглама билан аниқланиши мумкин:

$$x(t) = \mathcal{L}^{-1}\{X(p)\} = \mathcal{L}^{-1}\{Y(p)\Phi(p)\}.$$

Тизимни динамик хусусиятларини баҳолашда частотали характеристикалардан кенг фойдаланиш жорий қилинган. Улар тизимни гармоникали  $\omega$  частотани нолдан чексизгача ўзгаргандаги таъсирга бўлган жавобни (реакциясини) характерлайди:

$$y(t) = A_k(\omega) e^{j(\omega t + \phi_k(\omega))}.$$

**Бу тенглама одатда частотали АБТ барқарорлигини ҳамда ўткинчи жараёнини тадқиқот қилишда ишлатилади.**

**Амплитуда ва фаза частота характеристикаси (АФЧХ) комплексли ифодаларнинг нисбатидан иборат:**

$$\Phi(j\omega) = \frac{y(t)}{x(t)} \quad (4.4)$$

Бунда  $y(t) = A_q(\omega) e^{j(\omega t + \phi_q(\omega))}$  — гармоникали чиқиш сигнали, одатда қуйидагича ёзилади:

$$\Phi(j\omega) = A(\omega) e^{j\phi(\omega)} \quad (4.5)$$

Бундаги  $A(\omega)$ -амплитуда частота характеристикаси (АЧХ)

$$A(\omega) = \frac{A_q + (\omega)}{A_k(\omega)} = \frac{|y(t)|}{|x(t)|} \quad (4.6)$$

$\varphi(\omega)$ -фаза частота характеристикаси (ФЧХ):

$$\varphi(\omega) = \varphi_q(\omega) - \varphi_k(\omega) \quad (4.7)$$

Амплитуда ва фаза частота характеристикаси комплексли ўзгарувчан қиймат бўлгани учун уни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$F(j\omega) = R(\omega) + jQ(\omega) \quad (4.8)$$

**бунда:  $R(\omega)$ - тизимни ҳақиқий частота характеристикаси,  $Q(\omega)$ - мавҳум частота характеристикаси (МЧХ).**

**Частота  $\Phi(j\omega)$ , характеристикаси (асосида) тизимни ўтқинчи  $x(t)$  характеристикаси Фур'ени тескари ўзгартириш ёрдамида олиниши мумкин:**

$$x(t) = \frac{1}{2\pi} \int_{-\infty}^{\infty} y(j\omega) \Phi(j\omega) e^{j\omega t} d\omega \quad (4.9)$$

Автомат бошқариш назариясида динамик хусусиятларини текширишда, айниқса АБТ барқарорлигини, кўп ҳолларда уни логарифмли частота характеристикаларидан (ЛЧХ) фойдаланилади. Улар автомат бошқариш тизимининг жараёнини берилгандек шакллантирадиган ростлагичларни тузилмасини, ҳамда параметрларини аниқлашда кенг қўлланилади.

АФЧХ (4.5) тенгласини чап ва ўнг томонларини логарифмлаб,

$$\ln \Phi(j\omega) = \ln A(\omega) + j\varphi(\omega) \quad (4.10)$$

еришамиз.

Бунда  $\ln A(\omega)$  ва  $\varphi(\omega)$  тегишлича логарифмли амплитуда (ЛАХ) ва логарифмли фаза (ЛФХ) характеристикаси ҳисобланади.

Иккита қиймати ёки умумий рақамлари нисбатини баҳолаш учун логарифмли бирлик қилиб десибелл (дБ) ишлатилади.  $L$  рақам билан умумий тарзли  $A$  рақамли ўртасидаги боғланиш қуйидаги тенглама

$$L=20 \lg A, [\text{дБ}]$$

билан берилади. Мисол сифатида  $A=10$  сонига 20 дБ тўғри келади. ЛАХ ва ЛФХ тўғри бурчакли координаталари тизимида графиклар кўринишида берилади. Абсисса ўқидан логарифимли масштабда  $\omega$  частота, ордината ўқида ЛФХ қиймати десибелда, ФЧХ қиймати градусда (ёки радианда) бир текисда кўйилади.

Автоматик бошқариш тизимларини ўткинчи жараёнини тадқиқот қилиш учун дифференциал ёки интеграл тенгламалардан фойдаланилади. Параметрлари тўпланган тизимлар учун бу оддий дифференциал тенгламалар бўлса, параметрлари тақсимланганлар учун хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар билан ифодаланади.

АБТ динамик жараёнларни ўрганишда одатда ростланадиган қийматни ва қурилмани муайян физикавий табиатини четда қолдириб бошқариш жараёнини математик модели билан қизиқишади. Тизимни математик моделини яратишда динамик звенолардан ташкил топган тузилма схемаси асос қилиб олинади. Динамик звеноларда жараёнлар физика қонунлари асосида дифференциал ёки операторли тенгламалар билан ифодаланади. АБТ битта қурилмаси бир ёки бир нечта динамик звенолар билан тақдим этилган бўлиши мумкин.

Динамик звенолар учун олинган дифференциал тенгламалар мажмуаси тизимни математик модели бўлиб бутун тизим дифференциал тенгламаларини олишга хизмат қилади.

Умумий ҳолда элементларнинг ёки тизимларнинг дифференциал тенгламалари нозичиқлидир. Аммо мувозанат ҳолатида кичик оғишларда нозичиқ тенгламаларни тахминий чизиқли тенгламалар билан алмаштирсак бўлади. Бундай алмаштириш дифференциал тенгламаларни чизиқлаштириш

деб аталади. Ночизикли кўп ўзгарувчан функцияларни чизиклаштиришда кичик оғишлар услубидан фойдаланилади. Бунда ўрнатилган ҳолатда ўзгарувчи қийматларга кичик оғишлар берилиб, улар Тейлор қаторига кичик ўзгаришлар даражасига қараб ёйилади.

АБТ ушбу дифференциал тенгламалар тизими билан ифодалаган математик моделга эга деб фарз қилайлик:

$$\frac{dx_k}{dt} = X_k(x_1, x_2, \dots, x_n), k = 1, 2, \dots, n \quad (4.11)$$

бундаги  $x_k$  – тизим координаталари.

Агар ночизикли  $x_k(x_1, x_2, \dots, x_n)$  функциялар ўрнатилган  $x_{k0}$  – сонст режимни қандайдир  $X$  атрофида  $x_{k0}$  учрашадиган бўлса, унда бу тенгламалар Тейлор қаторига ёйилиши мумкин.

Ушбу  $x_k = x_{k0} + \Delta x_k$  шартни қабул этиб, (4.11) тенглама қуйидаги кўринишда ёзилиши мумкин:

$$\frac{d\Delta x_k}{dt} = X_k(x_{10}, x_{20}, \dots, x_{n0}) + \left. \frac{\partial X_k}{\partial x_1} \right|_0 \Delta x_1 + \left. \frac{\partial X_k}{\partial x_2} \right|_0 \Delta x_2 + \dots + \left. \frac{\partial X_k}{\partial x_n} \right|_0 \Delta x_n + F_k(x_1, x_2, \dots, x_n)$$

бунда  $\Delta x_k$  –  $k$  координатанинг кичик оғишлари;  $\left. \frac{\partial X_k}{\partial x_i} \right|_0$ ,  $k=1, 2, \dots, n$ ,

$i=1, 2, \dots, n$  – ўрнатилган режим нуқтасида ҳисобланган хусусий ҳосилалар;  $F_k=(x_1, x_2, \dots, x_n)$  ўз таркибида иккинчи даражали кичикликдан паст бўлмаган ҳадларни олган функциялар.  $x_k=(x_1, x_2, \dots, x_n)=0$  (2.12) тенгламалардан ўрнатилган режим тенгламалар тизимини айириб, ҳамда  $F_k=(x_1, x_2, \dots, x_n)$  э`тиборга олмасдан қолдирсак, ўзгармас коэффисиентларга эга оғишлар бўйича чизикли тенгламалар тизимини оламиз, улар биринчи яқинлашиш тенгламаларидир:

$$\frac{d\Delta x_k}{dt} = \sum_{i=1}^n a_{ki} \Delta x_i, k = 1, 2, \dots, n,$$

бунда  $a_{ki} = \left. \frac{\partial X_k}{\partial x_i} \right|_0$

АБТ ни тақрибий тадқиқ қилишда чизиқли автоматик бошқариш назарияси муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли материалларнинг келгуси баёнида асосий диққат АБТнинг чизиқли назариясига берилади. Ночизиқли ва импульсли АБТ жараёнларининг хусусиятларига келсак, улар махсус курилади, чунки чизиқли назария ёрдамида бу хусусиятларни очиб бўлмайди.

Тизимнинг иш жараёнида чиқишдаги ўзгарувчи ўлчаниб, белгиланган (берилган) қиймат билан солиштирилади (тескари алоқа қонуниятидан фойдаланилади). Агар чиқишдаги ўзгарувчини берилган қийматдан оғанлиги аниқланса, у ҳолда тизимга бошқарувчи таъсир  $X$  киритилади. Бу таъсир чиқишдаги ўзгарувчини берилган қиймат билан бир хил бўлгунча ўзгартиради.

Автоматик тизимларининг иш режимлари берилган  $X_{\text{кир}}$  ва қўзғатувчи  $Z$  таъсирларга боғлиқдир. Қўзғатувчи таъсирлар, адатда, бошқарилаётган катталикни берилган қийматларидан оғишига олиб келади. Дастлабки берилган сигнал эса объектнинг чиқишидаги ўзгарувчисини белгиланган қиймати вақт бўйича ёки бир хил ўзгармас бўлади ёки ўзгарувчан бўлади.

Бошқаришнинг **чизиқли** қонуниятлари созлагичнинг чизиқли тенгламаси билан характеристикаланади; чизиқли қонуниятда созлагич киришдаги ўзгарувчи қийматига пропорционал бўлган сигнал ишлаб чиқаради, айрим ҳолларда эса киришдаги ўзгарувчининг ҳосиласига ва интегралига пропорционал бўлган сигнал чиқаради. Шунинг учун хусусий ҳолларда бошқаришнинг чизиқли қонунияти ёки пропорционал (П-созлагич) ёки интегралловчи (И-созлагич) бўлиши мумкин. Ундан ташқари чизиқли қонуният пропорционал-дифференциалловчи (ПД-созлагич) ёки пропорционал-дифференциалловчи (ПИД-созлагич) бўлиши мумкин, одатда, дифференциалловчи бошқариш қонунияти пропорционал ёки интегралловчи қонуниятлар билан қўлланилади.

Бошқаришнинг эгри чизиқли қонуниятлари, қатор ҳолларда, махсус ҳолда ҳосил қилинади (оптимал, ўз-ўзини ростлаш ва бошқа тизимлар). Бу билан автоматик тизимлар белгиланган сифат даражасига етказилади. Бу

қонуниятлар созлагичлар характеристикасининг эгри чизиқлилиги билан ёки логик элементларнинг мавжудлиги билан характерлариши мумкин.

Чунки улар созлагич тузилишини ўзгартирадилар. Эгри чизиқли бошқариш қонуниятлари автоматик тизимларга алоҳида хусусиятлар киритади.

### **Назорат саволлари**

1. Тизимларининг динамик тенгламалари деганда нимани тушунасиз?
2. Бошқариш жараёнларининг тенгламаси деб нимага айтилади?
3. Типик кириш сигналларига нималар киради?
4. Статистик ва динамик характеристикалар хақида нималарни биласиз?
5. Узатиш функциялари хақида нимани биласиз?
6. Лаплас ва Фуре ўзгартиришлари нималардан иборат?
7. Кучайтиришнинг динамик коэффициентлари деб нимага айтилди?
8. Очик тизимларининг частота функцияси деб аталади?
9. Тесқари частота функцияси кандай кўринишга эга?
10. Математик моделлаш нима?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. [Norman S. Nise](#). Control Systems Engineering. New York, John Wiley, 7 edition, 2015. – 944 p.
2. Katsuhiko Ogata. Modern Control Engineering. Pearson Higher Ed USA, 5 edition 2009. -912 p.
3. Юсупбеков Н.Р., Мухаммедов Б.И., Гуломов Ш.М. Технологик жараёнларни назорат қилиш ва автоматлаштириш: техника олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 2011.-576 б.
4. Технологик жараёнларни автоматлаштириш асослари: Ўқув қўлланма. 1,2-қисм. Юсупбеков Н.Р., Игамбердиев Х.З., Маликов А.В. - Тошкент: ТошДТУ, 2007.
5. Севинов Ж.У. Автоматик бошқариш назарияси. Ўқув қўлланма.- Тошкент:Фан ва технологиялар, 2017. -248б.

## 2-маъруза: Элементар звенолар ва уларнинг характеристикалари.

### Режа:

1. Элементар звенолар ва уларнинг характеристикалари

2. Биринчи тартибли инерциал (апериодик) звено

#### 1. Элементар звенолар ва уларнинг характеристикалари

АБСларининг звенолари ҳар хил физикавий табиатга, ишлаш принципага, конструктив формага ҳамда схемаларга бўлиниши мумкин. Лекин бу звеноларнинг динамик хусусиятларини ўрганишда, тадқиқ қилишда унинг чиқишидаги ҳамда киришидаги катталикларни боғловчи тенглама муҳим роль ўйнайди.

Математик ифодаси дифференциал тенглама билан ифодаланадиган звеноларга *динамик звено* дейилади.

Типик динамик звено деб, тартиби иккидан юқори бўлмаган дифференциал тенглама билан ифодаланадиган звеноларга айтилади. Уларга асосан қуйидаги звенолар киради:

1. Инерциясиз (пропорционал, кучайтирувчи) звено.
2. Биринчи тартибли инерциал (апериодик) звено.
3. Идеал интегралловчи звено.
4. Идеал дифференциалловчи звено.
5. Тебранувчи звено.
6. Биринчи тартибли тезлатувчи звено.
7. Иккинчи тартибли тезлатувчи звено.

Қуйида шу звеноларнинг вақт ҳамда частотали характеристикаларини кўриб чиқамиз.

**1. Инерциясиз (пропорционал, кучайтирувчи) звено.** Бу звенонинг умумий тенгламаси қуйидагича ифодаланади:


$$y(t) = K \cdot x(t), \quad (5.1)$$

бу ерда  $K$  – узатиш коэффициентини.

Бундай звенонинг чиқишидаги катталик киришидаги катталикка нисбатан пропорционал равишда ўзгаради.



Бу звенога электрон кучайтиргич, потенциометр, тахогенератор каби элементлар мисол бўла олади (1-расм.)



5.1-расм. Электрон кучайтиргич (а); потенциометр (б); тахогенератор (в), бу ерда «ω» ўқнинг айланиш тезлиги.

(5.1) тенгламага Лаплас алмаштиришларини киритамиз

$$y(p) = K \cdot x(p), \quad (5.2)$$



бундан

$$W(p) = \frac{y(p)}{x(p)} = K. \quad (5.3)$$

Шундай қилиб, пропорционал звенонинг узатиш функцияси кучайтириш коэффициенти «K» га тенг бўлади.

Узатиш функцияси орқали звено ёки системанинг вақт характеристикаларини аниқлаш мумкин

$$h(t) = L^{-1} \left\{ W(p) \frac{1}{p} \right\} = L^{-1} \left\{ K \frac{1}{p} \right\} = K \cdot 1(t). \quad (5.4)$$




Частотавий узатиш функциясини аниқлаш учун узатиш функцияси  $W(p)$  да «p» ни «jω» билан алмаштирилади

$$W(j\omega) = K; \quad A(\omega); \quad \varphi(\omega) = 0,$$

$$L(\omega) = 20 \lg A(\omega) = 20 \lg K.$$

Бу звеноларнинг частотали характеристикалари 5.2-расмда келтирилган.




5.2-расм. Амплитуда-фазали (а); амплитуда-частотали (б); фаза-частотали (в); логарифмик амплитуда частотали (г) харакетистикалар.

**2. Биринчи тартибли инерциал (апериодик) звено.** Бу звенонинг тенгламаси қўйидаги кўринишга эга.

$$y(t) + T \frac{dy(t)}{dt} = K \cdot x(t) \quad (5.5)$$

бу ерда  $K$  – узатиш коэффициенти;  $T$  – вақт доимийлиги.

RC, RL – занжирлари, ўзгармас ток генератор ива двигателлари бу звенога мисол бўла олади (5.3-расм).



**5.3-расм. RC занжири (а); LR занжири (б); ўзармас ток генератори (в); ўзармас ток двигатели (г).**

(5.5) тенгламага Лаплас ўзгартиришини киритиб, бу звенонинг узатиш функциясини аниқлаймиз

$$y(p) + Tp \cdot y(p) = Kx(p),$$

бундан


$$W(p) = \frac{y(p)}{x(p)} = \frac{K}{1 + Tp}. \quad (5.6)$$

Инерциал звенонинг ўткинчи функцияси

$$h(t) = L^{-1} \left\{ W(p) \frac{1}{p} \right\} = L^{-1} \left\{ \frac{K}{1 + Tp} \cdot \frac{1}{p} \right\} = K(1 - e^{-\frac{t}{T}})1(t) \quad (5.7)$$

экспонента қонуни бўйича ўзгаради (5.4-расм). Импульсли ўткинчи функцияни қуйидагича аниқлаш мумкин (5.4б-расм).

$$\omega(t) = h'(t) = L^{-1} \{ W(p) \} = L^{-1} \left\{ \frac{K}{1 + pT} \right\} = \frac{K}{p} e^{-\frac{t}{T}} 1(t) \quad (5.8)$$



4-расм. Ўткинчи характеристика (а); импульсли ўткинчи характеристика (б).

Звенонинг частотали узатиш функциясини ҳамда унинг частотали характеристикаларини аниқлаш учун узатиш функцияси  $W(p)$  да « $p$ »ни « $j\omega$ » билан алмаштириш керак (5.5-расм).


$$W(j\omega) = \frac{K}{1 + j\omega T} = \frac{K(1 - j\omega T)}{(1 + j\omega T)(1 - j\omega T)} = \frac{K}{(1 - \omega^2 T^2)} - j \frac{K\omega T}{(1 + \omega^2 T^2)} = U(\omega) + jV(\omega)$$

$$U(\omega) = \frac{K}{(1 - \omega^2 T^2)} \text{ — ҳақиқий қисм;}$$

$$V(\omega) = \frac{K\omega T}{(1 + \omega^2 T^2)} \text{ — мавҳум қисм.}$$

$$A(\omega) = \sqrt{U^2(\omega) + V^2(\omega)} = \frac{k}{\sqrt{1 + \omega^2 T^2}};$$

$$\varphi(\omega) = \arctg \frac{V(\omega)}{U(\omega)} = -\arctg \omega T;$$



5.5-расм. Амплитуда-фазали характеристика (а); амплитуда-частотали ва фаза-частотали характеристика (б).

Звенонинг логарифмик амплитуда частотали характеристикаси (ЛАЧХ) қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:


$$L(\omega) = 20 \lg A(\omega) = 20 \lg \left[ \frac{K}{\sqrt{1 + \omega^2 T^2}} \right] = 20 \lg k - 20 \lg \sqrt{1 + \omega^2 T^2} .$$

Бу звенонинг асимптотик ЛАЧХни

$$L_a(\omega) = \begin{cases} 20 \lg K, & 0 < \omega < 1 \text{ ёки } 0 < \omega < \frac{1}{T} \text{ бўлганда ,} \\ 20 \lg K - 20 \lg \omega T, & \omega T > 1 \text{ ёки } \omega > \frac{1}{T} \text{ бўлганда ,} \end{cases}$$

тенглама билан ифодаланади.

Шундай қилиб, частотанинг  $0 < \omega < \frac{1}{T}$  оралиғидаги қийматларида  $K=1$  бўлганда  $L(\omega)$  характеристикаси абсцисса ўқи билан мос тушади, чунки  $L(\omega) = 20 \lg 1 = 0$ . Агар  $K \neq 1$  бўлса, унда шу частота оралиғида  $L(\omega)$  характеристикаси  $20 \lg K$  баландликда абсцисса ўқиға параллел бўлган тўғри чизиқ бўлади.  $\omega T > 1$  ёки  $\omega > \frac{1}{T}$  бўлганда  $L_a(\omega) = -20 \lg \omega T$  га тенг бўлади (5.6-расм).



5.6-расм.

$$\omega T = 1, \quad L(\omega) = 0 \text{ дб};$$

$$\omega T = 10, \quad L(\omega) = -20 \text{ дб};$$


$$\omega T = 100, \quad L(\omega) = -40 \text{ дб}.$$

Шундай қилиб, инерциал звенонинг ЛАЧХ си туташ частота  $\omega = \frac{1}{T}$  ёки  $\omega T = 1$  гача ҳеч қандай ўзгаришсиз қолади ва шу частотадан кейин  $-20$  дБ/дек оғиш бўйича ўзгаради.

